

(адабий-назарӣ тааммул)

Бахши бўлсанг – сўз ичра
Коринг бўлади, болам.
Айтганинг хар ёлгон сўз
Доринг бўлади, болам.
Усмон Азим

Дунёдаги хар кайси тилнинг минглаб холис, беозор сўзлари бор. Ва яна хиссий бўёги салбий, хиссий бўёги ижобий сўзи керагича кўп. Сўзларда белги-хусусиятнинг даражаси, маънавий кувватнинг салмоги кай холатда бўлмасин, инсон омилисиз улар на яхшилик содир килади ва на ёмонлик. Хамма гап сўзларни саралаб, жамоалаб муомалага киритувчида, кўлловчидадир. Шунингдек, уларни тингловчидадир.

Инсон ботинида доимий фикрий харакат бўлиб яшаётган каломлар олами - Аллохнинг чексиз ва шомил илмидагина маълум, ўзга хаммага номаълум бир гайбиёт. Одам мохиятида мужассам айни латиф, гайбий жараён токи ташкарига (зохирга) чикмагунча хали амал, вокелик эмас. Аллох таоло Ўз илмидаги билан эмас, юзага чикарганимиз ходисот, амаллар бўйича хисоб-китоб килади. Амаллар эса калбларнинг тақозосига биноан намоён бўлади. Навоий айтганидек, «Кўнгул холати сўз дегач билгурур». Хар нарсада синов бор ва хамма синов инсоннинг ўз таркибида, мухитида мужассам. Тил, нутк, баён неъматлари инсоният учун улкан илохий синовлар, бахтга, бахтсизликка элтувчи имконлардир.

Жисмоний ва маънавий фаолиятларнинг жамийки кўринишлари алока, муносабатларнинг беназир воситаси - тил билан турли даражаларда зийнатланган. Бу беминнат неъмат инсон зотида хослик килиб берилган. Ундан бахрамандликнинг йўл-йўрик, меъёр-мезонлари кўрсатилган. Аллохнинг тавсия, кўрсатма ва ўғитлари хаётий ўлчовимиздаги тавсия, кўрсатма, ўғитлар бўлмай, балки илохий амрлар, хукмлардир.

Аллох субханаху ва таоло «Балад» сурасида дейди:

«Биз унга икки кўзни (8-оят). Ва тилни ва икки лабни бермадикми? (9-оят) Ва Биз уни икки йўлга йўллаб кўймадикми? (10-оят)».

Яратганинг Ўзи хар бирини алохидалаб зикр қилган дакик неъматларнинг номлари ўзларида моддий, маънавий маъноларнинг барчасини тасарруф этган. Мазкур неъматлар васфию шукронасини, ояти Карималарнинг хикмату тафсирини айтиб адо қилиб бўлмайди. Зотан, Аллохнинг сўзлари хамма замону маконларда мислсиз кудратли, хар қачон ва хар қаерда тамом ожиз қолдиргувчидир. Кўриш хамда гапириш кай йўсин бўлмоги шарт? «Икки йўл»дан мурод нимадир? Ва улардан кай бири ҳақ йўл? Йўллаб кўйилганлик хикмати нима?..

«Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам дебдурлар: Аллох таоло айтади: «Эй, Одам боласи! Мен сенга саногига етмайдиган ва шукрига тоқатинг қелмайдиган улкан

неъматларни бердим. Сенга берган неъматларимдан бири - кўриш учун икки кўзни берганим, шу билан бирга, икковини ёпадиган ковок ҳам бердим. Икки кўзинг билан мен халол килган нарсаларни кўр. Агар мен харом килган нарсаларга кўзинг тушиб колса, пардасини, ковокларингни ёп. Мен сенга тил бердим ва унга гилоф ҳам килиб кўйдим. Мен амр килган нарсаларни гапир. Агар мен харом килган нарсалар ориз бўлса, тилингни тий... Эй, Одам боласи! Менинг азобимга чидамайсан ва менинг ўч олишимга токат килолмайсан» (Хадиси Кудсийдан).

Ёлгонни эмас, хакикатни, яхши, рўй-рост сўзларни гапириш, акс холда, сукут саклаш исломиятда улкан ахлокий-нафсоний, рухий-маънавий коидалардан. Хак таълимотлар, хусусан, «Рухий тарбия илми» да нуткий одоб, меъёр, масъулият масалалари ўта нозик жихатларигача ўрганилади. Ахли солихлар, исломий ахлоқ сохиблари бу бобда катта тарихий ибратлар меросига ҳам эгадирлар.

Ёмон сўзлик куфр келтирган, турфа нарсаларни илох санаган ва тугёнга кетган кимсалар, мутақаббир, гийбатчи, мунофик, масхарачи, ширкчи ва товламачи сингари тафаккурини фасод босган тоифаларга хос хусусиятдир. Улар ёмонлиги ботил ва ёлгон ила куршалган. Бу амаллар ўзларига зийнатли килинган ва улар тек кўйилган. Холбуки, бутун башариятга хак сўзларни айтиш, ботил, ёлгон сўзлардан кайтиш буюрилган. Яхшиларнинг Аллох фиркасидан, ёмонларнинг шайтон фиркасидан эканлиги айтилган. Дунёнинг бор моддий, маиший, ахлокий, маънавий, иктисодий, рухоний масалалари сирасида хидоят ва залолат, халол ва харом, исроф ва тежам, хак ва ботил, яхши ва ёмон, рост ва ёлгон каби карама-карши тушунчаларнинг хак тавсифларини «Фуркон» («фаркловчи», «ажратувчи») деб сифатланмиш Куръони Карим, Суннати шариф, улар асосидаги фуркону васатий (ўрта, тўгри, мўътадил, адолатли, энг яхши, мувозанат) шариат таълимотлари баён килади.

«Ёлгон» - мохиятан сертаркиб, кўп маъноли сўз. Гарчанд салбий ё ижобий жабхага огишмаган, холис, хиссий бўёксиз сўз бўлса-да, бироқ матндан ташкарида турибок, шунчаки яккаш талаффуздаёк у соғлом тафаккур ва соғлом калбларда раддия туйгусини кўзгай олишга кодир. Кишини дафъатан сергаклантириб, калбга хиёл вахм солишга мохир.

Холбуки, юкори тараккий топган ўзбек тил илмлари ўз синчков тадқиқлари натижасида «ёлгон»нинг тил минтақасидаги имкониятларини катъий «жиловлаб» бўлган. Унинг лексик, грамматик мартабасини оқилона ўрнига кўйиб кўйган: «ёлгон» - сифат туркумига дахлдор, синоними унча кўп эмас, отлашишга анча мойил сўз, -чи номли ясовчи кўшимча олса, эhtiёт бўлинки, ўзидан англашилган иллатни бажариш одати кучли бўлган шахсни англатади: ёлгончи, алдокчи... Ва хоказо.

Холбуки, дийннинг амалий кисмини тартибга солиб турувчи, фикх ва ҳуқуқшунослик илмлари хам ўзида уйгун камровчи конуншунослик - шариати исломия ёлгонга доир хак ҳукмларини бундан ўн беш аср мукаддам чикариб бўлган. Шаръий матнларда, яъни оят ва хадисларда ёлгончилик масалаларининг зикри кўп келади. Исломнинг бу борадаги таълимотлари хам, шубҳасиз, барча даврлар ва диёрларга батамом қувватли ва салохиятли.

Ёлгоннинг истилохий маънолари, бу маънолар дакиқ кирраларининг шарҳи, ёлгон ходисасининг турмушдаги манзаралари, товланишлари, бебошликлари талқини лугавий ва грамматик тадқиқдаги каби осон кечмайди. Негаки, ёмонликнинг ҳамма кутбларида ёлгоннинг ўз баланд мавкеи бор. Айникса, жоҳилият даврларида у ҳукмрон ботил мафқураларнинг ардокли тамойили бўлиб яшаган. Одамзотнинг бутун кечмиши

мобайнида инсониятга у ёмонликлар куроли сифатида ҳамкадам. Ишни унинг зиддидан, унга ҳақ муносабатдан бошламаган тарбияю таълим ҳам хавфу хатардан холий эмас. Демакки, ёлгонга ҳаққоний баҳо берувчи, унинг кифоасини фош этувчи, ундан кайтарувчи, кайсидир жихатини макбуллоғчи васатий бир таълимот, энг одил аҳком жоиз эди.

Аллох таоло «Хаж» сурасида инсонга хитобан:

«Бас, бутлардан иборат нажосатдан йирок бўлинг ва ёлгон сўздан йирок бўлинг» (30-оят), дейди.

Бутлар ҳамда тоғут (Аллохдан бошқа ибодат қилинган ҳамма нарса, баъзи уламо фикрича, шайтон)ларнинг маънавий нажосатлар эканлиги маълум. Буту санам, тоғу тош, дов-дарахт, бузгунчи гоё, бандалар ва коинот жисмларини илох тутиш ширқдир. «Нисо» сурасида ширқдан бошқа гуноҳлар кечирилиши айтилган. «Албатта, ширқ улуг зулмдир» деган оят ҳам бор. Умуман, Куръонда ширқ энг катта зулм, энг катта ёлгон деб аталади. Бундан ширқнинг ёлгон, ёлгонинг ширқлиги келиб чиқади. Улар ажралмас ботиллик, яхлит жинойт эканлиги боис юқоридаги оятда ҳам ёнма-ён келиб, Яратганнинг Ўзи улардан йирок бўлишга амр қилмоқда.

Аллохга ёлгонлар тўқиган, Унинг оятлари ва пайгамбарларни ёлгонга чақирган, Куръонни шеър, пайгамбарни шоир деган қавмлар ва қимсалар ўта ёлгончилар - золимлар дея ҳукмланади. Улар тахмин, гумон, шубҳа, ёлгон-яшиққа шўнгиб, динсиз юради. Ўзларини, ўзгаларни алдайди. Аллохнинг барча-барча нарсадан, қалблардаги сирлардан ҳам мудомий огоҳлигини идроклашдан улар гофилдирлар. «Ёлгончиларга лаънат бўлсин», дейилади «Заарийаат» (10-оят) сурасида.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Кишининг ёлгончилигига ҳар эшитган нарсасини гапиравериши кифоя қилади» ва бошқа бир ҳадисларида: «Биров ўзи ёлгон деб ўйлаган гапни гапирса, у икки ёлгончининг биридир», деганлар. Аллох таоло ажиб ўхшатиш усулида яхши ва ёмон сўзлар таърифини айтади: яхши, ҳақ сўз - асли собит, чуқур илдиз отган, шохлари осмонга кетган, доим мевалар берувчи дарахтга; ёмон, ботил, ёлгон сўз - илдизи ердан узилган, мева бермас, ҳосиятсиз дарахтга ўхшайдир («Иброҳим» сураси, 24, 25, 26-оятлар).

Куръони Қаримнинг «Нисо» сурасида :

«Аллох ёмон гапни ошқор қилишни ҳуш кўрмас. Магар мазлумдан бўлса, майли. Аллох эшитгувчи ва билгувчи Зотдир » (148-оят), дейилган.

Яъни, ёмон гап, уни тарқатиш ислом уммати ахлоқига ёт амаллардан. Мабодо бу иш мазлум томонидан ўз ҳаққи-ҳуқуқи йўлида, ҳақиқат қарор топиши учун бўлаётган бўлса, узрлидир. Чунки мазлум ҳолидан жамият боҳабар бўлади, у химояга олинади, жафочидан ўзгалар ҳушёрланади, адолат рўёбга чиқишига асос солинади. Мазлум ҳам шаръий чегарани билиши, саклаши, ёмон гапни асл борица вазмин кўтариб чиқиши лозим.

Ушбу илохий муайян ижозат шаръий кўрсатма, ҳукмларнинг нақадар одил, оқилона, мўътадил, ҳаммабоп, инсон тоқатиға мослиғига далолат ҳамдир. Аллох инсонга тоқатидан ортиқни раво кўрмайди. Унга енгилликни хоҳлайди. Инсон ўз холатиға яраша қасб қилади ва қасбиға яраша топади. Илохий адолат шундай. Ёлгонга муносабат мезонлари, унинг ҳукмлари борасида ҳам шариятнинг осонликка бино қилингани, амали умумий бу қонданнинг қанчалик ҳаётбахшлигини тафаккур қилиш мушкул эмас.

Хилма-хил моддий-маънавий жинойтлар, бузгунчиликлар, залолатлар, гайриинсоний иллатлар сабабчиларидан бири бўлган ёлгон лаънатланди. Ислом ҳақ, васатий дийн

бўлгани боис, дунё ва инсон мохиятига мувофик равишда яхшилик томонга ислох қилиш учунгина ёлгонга изн берди. Бу зайл ёлгон воқеалар ривожини, муносабатлар маромини мувозанатга келтириш, тўғри йўлга солиб юбориш учундир. Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Одамларнинг орасини ислох қилувчи ёлгончи эмас, яхшиликни етказди ёки яхшиликни айтади», деганлар.

Амалларни зое этувчи, низолар сабабчиси, фитна кўзговчи, тараккий тўсикчиси, зулм деб кораланган, жузъий холатлардагина макбул саналган ёлгон феномени санъат ва адабиётда нега юксак мавке касб этган? Кайси хизматига кўра ёлгон - адабиёт юраги, кони? Ижодларда устун яшашга у нечун бунча ҳакли, ҳуқуқли? Бу ёлгонлар охир-оқибат барча ижодий захматлару улар соҳиблари умрларини исроф ва ботилга элтмайдими? Нафратларга учраган ёлгон нахот ижодларда муқим, кўнимли? Шеъриятнинг жоиз ёлғони ўша ножоиз ёлғонми?

Ижодда ардоқли, кадри юксак, завқ улашувчи, кўнгилларни ошуфта қилиб, маънавий-маърифий гўзалликлар тақдим этувчи ёлгонларнинг мавжудлиги ёлгон эмас, бағоят рост. Шеъриятнинг ёлғони хатто унинг гап қурилишларигача ҳукмронлик қилади: бундайин қурилмалар на оммавий сўзлашув услубига, на адабий тил меъёрларига мос келади. Шеъриятнинг айни хоссаси гап бўлақлари тартибининг расмий, одатий, табиий табиатини бузиб ҳавола этишига кўра ёлгондир.

Муомала-муносабатлар оламидаги, ишланган тил нормаларидаги ҳар қайсиси ўз ўрнига эга бўлақлар жамоаси шеърда тартиботнинг ёлғоний, аммо ажиб, ёқимли, тароватли жойлашуви- инверсияга учратилади.

Ва лекин соҳадаги ички хослик, такозо, поэтиклик, бўрттириш, рамзийлик, тўқимавийликни – булар бадий ёлгонлардир, дейиш билан шаръий ҳукмларнинг қучли салобати қаршида «ёлгончилик»ни тўла оқлаб бўлмайди. Айни вақтда, фақат ёлгонга доир ҳукмлар, ислох маъносида изн берилган холатлар ҳам шеърий ёлгон шаънини дақиқ, бироқ қисман ҳимоялайди. Чунки масаланинг мантиги ўзгача ва янада кенг камровлидир. Шунинг учун ҳам Навоий «Махбуб-ул-қулуб»да чин сўзни жуда улуғлаб, ёлгон ила ёлгончиликни каттик қоралаб, ҳаётини ва назмий ёлгонларнинг бошқа-бошқа нарсалигини идроклатувчи ҳулоса ясайди: ёлгон гапирувчи ақлсиздир, ёлгон сўз шеърдан бошқа жойда номақбул:

Сўз ичраки ёлгон эрур нописанд,

Чу назм эттилар, қилди доно писанд.

Тўғри шеърият ёлғони, аввало, туб илдизлари ҳақиқат бўлган, бадий тўқимаси ҳам ҳақиқат айтиш истагига бўйсундирилган, ҳамма амали мажоз, рамз, образ, ташбеҳ, муболага сингари санъатий воситалар билан безалган, фикрий, воқеий изчиллиги таъминланган, таъсирчан бўёқдорлик билан йўғрилган ходисадир. Унинг мантикий омиллари, яралиш жараёни, ният-муддаоси, таъсир тарзлари, ҳаётини ёлгонларга қиёслари қанча чуқур мулоҳаза қилинса, шариатда ман этилган ёлгонлардаги аломатларнинг асл шеърият бўстонида асло йўқлиги шунчалик ойдинлаша боради.

Тадқиқий тааммул тасаввурдан бартараф этаётган ботил ёлгон гумонларининг ҳар бири ўрнига басма-бас уларга мутлақо зид: жозиб ростлик, мўътадил бегуборлик, холисона ният, донишона ўғит, умидбахш таскин, ёркин ибрат янглиг қатор-қатор сифат-фазилатлар қалбу шуурингизни ишғол этиб боради. Шоир дейди:

Яхшидир аччик хакикат,
Лек ширин ёлгон ёмон.
Ул ширин ёлгонга мендек
Алданиб колгон ёмон.
Умримиз алдок жахонда
Алданиб ўтгай, ва лек
Сўнгги кийналгон ёмондир,
Сўнгги кийналгон ёмон...
(Эркин Вохидов)

Лирик кахрамон, кечрок бўлса-да, аччик хакикатнинг яхшилигини англади. Нечоглик ширин бўлмасин, ёлгон тойдиради, адаштиради, чунки кабохатдир. Унинг тузогига тушиш – мусибат, завол. Шусиз ҳам бу ёлгон дунёда умрнинг алданиб ўтиш хавфи катта. Окибатдаги надомат, кийналиш эса хаммасидан бадтарин ёмон. Бу – хаётий тажрибалар сабоги, умуминсоний икрор ва огохнома. Хуллас, бунда гап манфур ёлгон ҳамда мўътабар хакикат хусусидадир. Шеър – Аллох инсонни кайтарган нарсаларга, дунёнинг алдамчи, арзимас матохларига қарши жозибалаштирилиб битилган хакконий сўз, ёлгонларга рўй-рост раддия. Ҳам «дунёвий», ҳам шаръий эхтиром қозонувчан байтлар. Ҳўш, шеърият ёлғони илохий амрларда тақикланган катта-кичик ёмон ёлгонларга мутлок бегона, гаройиб ижобий фазилатларга бой, борлик, банда, тафаккур, қалб хакикатларини тўғри, таъсирчан таратишнинг ноёб воситаси – шунчаки бир инсоний санъат экан, машҳур бу хосликни «ёлгон» деб аташ ва сўзга китмир маъно юклаш урфи нега шу қадар оммавийлашди? Бунга талай сабаблар бор ва улар қисман мозий, кўпроқ кейинги аср шеърияти ахволотига тегишли: айниқса, шўро сиёсати тазйиқи боис асл ўзанлардан, таълимотлардан узоклашилди; мажбурий гоёлар, мавзулар, танқид, мактовларга ружу қўйилди; дидлар, тасаввурлар, қарашлар қалғитилди; четлардан бепарда адабий таъсирлар келди; дунёга дахриёна муносабат, тирикликни бошқа, динни бошқа деб тушуниш устунлик қилди; адабиёт кўп ҳолларда зугумкор мафқуранинг хизматчисига айланди.

«Махбуб-ул-қулуб»нинг назм аҳлига оид фаслида турли тоифа шоирлар таърифлари бор. Баъзиси (саодат асрининг илк мусулмон шоирлар авлоди) илохий маърифат хазинасидан назм ипига жавоҳирлар теради; баъзиси (Аттор, Румий)нинг муддаоси – илохий сирларни баён қилмоқ, чексиз маърифат таркатмоқ; баъзи шуаро (Саъдий, Дехлавий) хакикат сирларига мажоз асрорини уйғунлаштириб зиё сочади. Навоий наздида булар ижоди «шундай табаррук қаломларки, хурмат юзасидан, уларни шеър дейишга ҳам элнинг тили бормайди». Таассуфки, яна қўлларидан яхши, тўғри ёзиш келмайдиган, ўзларининг шу ҳолларига зўр эътиқод қўйган, шоирликка даъвогарлиги жуда баланд бўлган тоифа бор.

Мохиятда дийну дунёни ажратмай, буларни буюқ муштараклик билиб, манфаатлар ягоналигини қўзлаб қадам ташлаш қасбу амалларда, ижодларда ақиданинг оқилона қоидадир. Ўтмиш адабий-назарий тафаккури шу йўл марғублигини, бошқаси адашувлигини кўп баён қилади. Алломалар мероси ижодий меҳнатнинг зое кетадигани қанақая, икки дунё саодатига дохил қиладигани қанақалигидан шаръий таълимлар беради.

Дархакикат, ислом инсон хаётини диний ва дунёвий бўлакларга бўлмайди. Бугунни охиратдан, охиратни бугундан ажратиб карамайди. Хаммасини давомий жараён, бир бутун хаёт деб билади. Таркидунёчиликни ҳам, дунёпарастликни ҳам, динда хаддан ошишни ҳам, динни писанд килмасликни ҳам коралайди. Исломда бирёкламалик йўк. Унда у ёки бу томонга шаръий чегаралардан чиқиш хакикатга зид, ботил, ёлгон кетиш саналади. Ислом, унинг таълимотлари, шариат, унинг ахкомлари – васатий. Васатия – Ислом. Барча сохалар каторида шеърият ҳам васатийликка масъул хисобланади. Айрим адабиёт ахлининг сўз санъати ишини дунёвий билиши, айрим такво ахлининг шеъриятга беписанд караши тўғри эмас. Хатоликларнинг боши дунёни ўз қаричларимиз билан ўлчамогимиздадир. Аслида хамма-хамма нарсалар ўз ўлчови билан яратилган ва дунёнинг ўлчовлари батамом ўргатилган. Шеъриятни тамом дунёвий амал санаш унинг мавқеини кўтармайди, пасайтирди. Шеъриятга факат илохий куйлаш талабини кўйиш уни собитликка бошламайди, хаддан ошишга олиб келади. Ундай назариялар бир тарафламалик ҳамда васатиясизликнинг кўринишларидир. Масалаларга муносабатда ҳам васатийлик такосо этилган.

Ўз мавзу, воқеасини хаётдан оладими, илохийдан оладими, шеърият ҳақ таълимотлар доирасида поэтик тафаккур қилиши, барча хилкат, яратиклардаги оят-мўъжизаларни ҳислаши, вазифаларини адо этишда шаръий чегараларни сақлаши, келаётган илхомни, истеъдоднинг қуч-имкониятларини шаръий илмлар, мезонларга муносиб тасарруф этмоғи матлуб. Васат йўлдаги ижодлар оғишмайди, тоймайди. Адолатли, мўътадил, энг тўғри, энг яхши ёзади. Мудом химоя, муҳофаза, омонлик минтақаси - васатияда яшайди. Демакки, гап мавзуларда эмас, балки шуаронинг нияти, мавқеи, нуктаи назари, ҳақни оқиллик ила идроклаши, гоъвий-эстетик шууридадир. Сиртдан караганда бирон лафзида дийну рухонийликка дахлдорлиги йўқ соф «дунёвий» асарлар айни вақтнинг ўзида ўз гоъвий, нафис киммати, таровати билан соф «исломий» бадиий намуналар бўла олса, ажабланарли хол эмас.

Шарқ адабиётининг жаҳоншумул ижодлари, нодир намуналарининг кўламдор ютуқларини ҳамиша ҳақ эътиқод, унинг илмлари, қоидалари таъминлаган. Мустақийм манбаларни адиблар умр бўйи чуқур эътироф этишиб, бегумон яшашган. Қачонки, жамиятлар хакикатнинг илму амалидан четланса, барча сохалари тараккиёти заифлашган, адабиётда ҳам таназзуллар кечган, юткизик кўп бўлган. Зеро, соҳибининг гофиллиги зўр иқтидорни бора-бора барбод этади, захматини зое қилади. Улкан адашувлардан ташқари, йигилиб қоладиган қичик хатолар ҳам катта беҳудаликни келтириб чиқаради. Аввалги асрларнинг кўпроқ шундай вазиятларидагина чин (тўғри) ва ёлгон (нотўғри) шоирлик бобида фикрлашув кўзгалган, бошқа кезларда бунга маънавий эҳтиёж сезилмаган. Бизнинг даврларда у яна долзарблашди.

Холбуки, бу хил муаммолар ечимини, тўғри ва эгри, рост ва ёлгон, ҳалол ва ҳаром, ҳақ ва ботил ижодқорлик қоидаларини, ижозатли, ижозатсиз ҳолатларни Фурқон сифатли Қуръони Қарим исломга даъватнинг илк босқичидаёқ ҳал қилиб берган. Инсонга ақлни ишлатиш, тааммул юритиш ва уларнинг амалида бўлишдан бошқа ҳуда-беҳуда тортишувлар учун ҳожат қолдирмаган. Дастлаб нозил бўлган сураи Қарималардан бири «Шуаро» (227 оят)нинг сўнгги тўрт ояти бевосита шоирлару шоирлик тўғрисидадир ва умуман сўз санъатининг яшаш йўлини, шартини белгилаб берган илохий далиллардир. Аллоҳ субҳанаху ва таоло айтади:

«Ва шоирларга гумроҳлар эргашур (224-оят).

Уларнинг ҳар водийда дайдишини (225-оят).

Ва ўзлари килмайдиган ишларни айтишини кўрмадингми? (226-оят)».

Мушриклар Хазрати Мухаммад алайхиссаломни шоир, Куръонни шеър, «уни шайтонлар олиб тушади», деган уйдирма, тухматлар таркатишарди. Куръон шеър хам, наср хам эмас, Аллох Каломи. Ёлгончиларнинг нияти - исломни, вахийни, вахий кабул килувчини тан олмаслик, душманлик, киёматгача битмас-туганмас бўлган мўъжизаларни - оятларни инкор этиш, обрўсизлантириш. Качон кай бир пайгамбар шоир бўлиб ёки кай бир шоир пайгамбар бўлиб инсон зотини хидоятга чорлаган? Ундайларга ким эргашади? - Гумрохлар! Шайтонлар эса гунохларга шўнгувчиларга, ёлгончиларга, гумрохларга тушади.

Жоҳилият даврида шуаронинг хам жоҳилий тоифаси шеърда устун - хукмрон эди. Улар бесубут, тутуруксиз, бетайин: манфаати борга - маддох, фойдаси йўкка - масхарачи. Фиску фасод, ичкилик, беҳаёлик таргиби одатий хол. Бундай шоирлар хар макомга йўргалайди, хаёлоти хар каерда дайдийди - бетайин шеър тўкийди. Янада ёмони, улар яхши ўғит-насихат, хикматли гап айтиши мумкину, бирок бунга турмушда ўзлари амал килмайди. Шундайлар одам фарзандини хидоятга бошлай оладими? - Йўк! Мазкур оятлар инсоният тарихида энг катта, мудхиш ёлгонларни тўкиган бўхтончилар ва уларга хайрихох кавмларга жавоб-радиядир.

Аллох таоло сураинг сўнги оятида:

«Магар, имон келтириб, солих амаллар килганлар, Аллохни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат қозонганлар (ундай эмаслар). Зулм килганлар эса тезда кайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар (227-оят)», – дейди.

Шуаронинг хаммаси хам ишончсиз, бекарор, бадбин ниятли эмас. Яратганни кўп эсловчи, зикрловчи, хакни тараннум-таргиб этувчи, зулмни кораловчи, залолатдан кайтарувчи, тўгри шеър битувчи хидоятли шоирлар бор. Улар хар сўз, хар фикрда Аллох розилигини кўзлашади. Энг мухими, ўз шахсият ва истеъдодларини хорламайди, беамал эмаслар - исломга амал қилади. Уларнинг шеърлари таквога тенгдир. Оятда ана шундай шоирлар васфланмоқда.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи вассаламнинг макбул шеърият бобида: шеърларнинг хикматлиси борлиги, мўъмин-муслмон шоирнинг шеъри хар кандай қуролнинг тигидан, ўқидан ўткиррок бўлиши мумкинлиги хақидаги, ножоиз шеърият бобида: «Кишининг корни қускуга тўлгани шеъриятга тўлганидан яхшироқ» лиги тўгрисидаги ва бошка қатор хадислари машхур.

Бутун оламлар учун илохий ваъз-насихат, кўрсатмалар бўлмаганида, шубҳасиз, хамма жабхалар сирасида адабиётнинг адашуви жоҳилият давридагидан-да бадтар ахволга тушмоги тайин эди. Ислом таълимоти туфайли саодат асрида иймонлари улуг сахобий шоирлар авлоди шаклланди. Сўнг даврлар оша арабий, форсий, туркий халқлардан минглаб етук муслмон адиблар етишиб турди. Улар гоъвий-бадий юксак, барча замонлар маънавий камолотига камарбаста адабий мерослар қолдиришди. Бу ижодлар ислом оламида хануз катта эътирофларга сазовор.

Куръоннинг каммаъно, нождидий, бефойда сўзи, камхикмат ояти йўк. Инчинун, юкоридаги оятлар тафаккурларни ларзага солади. Улар нафакат шеърият, адабий ижод, балки илм-фан, маданият, маънавият, маърифатга хам тегишли. Сохаларга нурли ва зимистон, ок ва кора, рост ва ёлгон, хак ва ботил йўлларни танитади, огохликлар беради. Бу йўллар оқибатининг илохий хукмларини эълон қилади. «Шуаро» сурасининг энг охириги ояти, хусусан, дунё адабиёти, шеърияти учун Куръондаги энг умидбахш-йўлбошчи ояти Каримадир.

Куръони Карим бошдан-охир илохий пурхикмат Китобдир. Ўтмишни бугун билан, бугунни келажак билан боғлаб турган, барча нарсалар бўйича барчага ягона баёнот бўлган Аллох Каломида шеър ва шоирлик хусусидаги алохида кўрсатмалар, амрларнинг бўлиши адабий ижод учун тенги йўк илохий неъматдир. Инсониятни сўз санъатига ҳуқуқли қилувчи дийний далиллар, ҳар қандай масалага муносабатнинг ҳамма васатий йўл-йўриқларини таклиф этувчи ислом таълимотлари шахсият ва ижодларни бешубҳа, беҳато йўлдан бошлайди. Адабий амаллар эса комил ҳолатларда рўёбга чиқади, беиз кетмайди. Бадиий адабиётнинг улкан масъулиятлар салтанати эканлигини ислом янада ёрқин идрок эттиради.

Зотан, сўз санъати ҳаёт воқеаларининг, инсон маънавий оламининг ранг-баранг манзараларига мурожаатчи, уларнинг барида яхшиликларни жозибадор етказишга вазифадор экан, ўз-ўзидан исломни теран билишга, ҳақиқатларни чуқур англашга, мезонларини тўғри белгилашга масъулдир. Ҳар бир соҳа, бинобарин, шеърият ҳақ таълимотларга қайси масала нуктаи назаридан мурожаат қилмасин, очик-ойдин мўъжиза-хикматларга рўбарў келади, мавзуларнинг энг дақиқ тугунларигача холис ечимлар топади.

Буларнинг ҳаммаси, шунингдек, ҳақ эътиқод ва ақийда асосида шеърият ҳозиргача эришган ҳамма баркамол ютуқлар ҳам ислом илмлари ҳақлиги - илохийлиги - васатийлиги, ожиз қолдирувчанлиги, амали ҳамма жабҳалар, замонлар учун қувватли, қудратли эканлигининг тасдиқларидан ўзга нарса эмасдир.

Шеъриятда нимаики ҳослик бор бўлса, замирида қалтис ва мубҳам ёлгон эмас, санъатга йўғрилган ростлик ётади. Бу ҳаётий, шуурий, маънавий мавжуд жараёнларни марокли тақдим этиш санъатидир. Бадиий тақдимот ашёлар, ходисалар, кечинмаларнинг айнан ифодаси, соф қайтариғи бўлмай, рангин рухий, ҳиссий ҳолларнинг умумлашган, ҳулосаланган образли инъикосидир.

Шу бош тамойилга мантиқан терс баёнлар ва унсурлар содир этилса, яхшимас - ёмон, ҳақмас - ботил, тавҳидмас - ширк, холисмас - риё намоён бўлса, бу - дунёнинг туб ҳақиқатидан гофиллик, санъат талабларидан йироклик. Бундай кезлар соҳани ёмон отли қилиш - ноҳақлик. Булар кўпинча шахсият, истеъдоднинг тубан ахволи манзарасидир. Оламнинг мўъжиза, неъматларига илмсиз, юзаки, саёз қарашнинг, кўзи юмук қалб ёлгонларининг баёни ёки шу қабилар асоратидир.

Васатий шеъриятда шафоат бордир: яхшиликни гўзал изҳор қилади, ҳақни тарғиб этиб, қизиқтиради, лойик-муносибни оқлайди, нолайикни инкор этади; васатий шеърият ислоҳчи ҳамдир: гоёлар, қарашлар, дардлар, туйғуларни энг яхши томонга ислоҳ қилади. Ислоҳ эса исломда буюк амали солиҳ, унинг намоз ва садақа даражасидалиги ҳадисдан маълум; васатий шеъриятда амри маъруф, наҳйи мункар бор: яхшиликка, ҳақ йўлга буюради, зулму ёмонликдан қайтаради. Ҳақни ноҳақдан, яхшини ёмондан, ҳидоятни разолатдан фарқлатади; Васатий шеърият мавжуд барқарор ўлчов, вазн, тажриба, анъанани оёқ ости қилмайди, шунингдек, янгича усул ва қарашларни, манфаатли таъсирларни оқилона қабуллайди, қўллайди. Бу шеърият соҳиблари беамал бўлишмайди. Ҳақ таълимотга асосланувнинг фазллари яна кўп.

Мухтасар ҳулоса шуки, шеъриятнинг ёлғони шарият ҳукми ила қувгинликка маҳкум этилган ёмон ёлгонлар эмасдир. Зеро, ботил нарсаларга ўз ҳудудидан паноҳ бермоққа шеъриятнинг ҳам шаръий ҳаққи-ҳуқуқи йўк. Умуман, ёлгон сифатини сўз санъатига нисбат бериш-бермаслик, уни тамга ё фазилат билиш-билмаслик атама мақомида қолдириш-қолдирмаслик масаласи, қай жихатдан шаръий қараманг, ловуллаган мудҳиш

муаммо бўлиб чикмайди.

Негаки, хамма гап ижоднинг хидоятли бўлишига келиб такалаверади. Шеъриятнинг ботил, ширк, риё, таъма, ёлгон, фасод, ибосизлик, бебурдлик сингари саноксиз иллатлардан холий яшаши эса унинг ўзи орзуловчи саодатдир. Шеърият учун хам огишмаслик, тоймаслик, ножоиз ёлгон айтмасликнинг шаръий йўлдан ўзга рост, расо хеч бир йўли йўк.

“Шарк юлдузи” журнали, Тошкент 2009-йил, 2-сон
Тохир Шермурод